


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг 18 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, Миробод тумани “Абдулла Авлониё” МФЙ биносида очиқ сайёр суд мажлисида, раислик этувчи судья М.М.Гиясов, судья ёрдамчиси И.Усмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Тошкент авиация транспорт прокурори Ш.Т.Мамаджанов, судланувчи Р.Умаргалиев ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи – “[Redacted] адвокатлик ҳайъати адвокати И.Норматовнинг иштирокида, [Redacted] нисбатан [Redacted]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:



[Redacted] яшайди, ушбу жиноят иши бўйича 2021 йил 21 декабрь куни “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

2021 йил 8 ноябрь куни соат 11:20ларда, божхона назоратидан яшириб, декларациясиз, ўқотар ўқ-дорини, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш мақсадида, “Нью-Йорк-Тошкент” йўналиши бўйича 102-сонли рейсда келиб, “Ислом Каримов номидаги” Тошкент халқаро аэропортининг “СИП” учиб келиш залидаги божхона назорати ҳудудининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланиш вақтида, унга тегишли қўл юк ва багажлари кўздан кечирилганда, қора рангли чемоданида “яшил” рангли пакетга ўралган, божхона назоратидан яширилган ва оғзаки сўров вақтида айтилмаган бир дона “05-67” ёзуви туширилган 7,62 мм калибрли жанговор патрони борлиги, “Тошкент АЭРО” ИБКнинг “Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти” чегара божхона пости инспектори Ш.Нарзуллаев томонидан аниқланиб, Р.Умаргалиевга нисбатан 1022521-рақамли “аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида”ги баённома расмийлаштирилиб, “05-67” ёзуви



туширилган 7,62 мм калибрли жанговор патрон ашёвий далил сифатида олинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 08.11.2021 йилдаги №1240-сонли Суд-баллистика экспертиза хулосасида, тадқиқотга тақдим этилган бир дона оқ рангли қоғоз конвертини ичидан чиққан, бир дона баландлиги 55 мм, диаметри 10 мм ўлчамида бўлган, тагида “05-67” ёзуви акс этган, ўқотар қурол патронида папиляр нақшларга ўхшаш бўлган излар мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 16.11.2021 йилдаги №1286-сонли Суд-дактилоскопия экспертиза хулосасида, бир дона “05 67” ёзувли ўқотар қурол патрони калибри 7,62 мм бўлган “АК”, “АКМ” автоматлари, “СКС”, “Сайга-МК” карабинлари, “РПК”, “РПКЗ”, “РПД” пулимётлари ва калибри 7,62 мм бўлган ўқотар қуроллари учун мўлжалланган ўқ дорилар туркумига мансублиги, Москвадаги заводларда тайёрланганлиги ҳамда отиш учун яроқлилиги кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида судланувчи Умаргалиев Рифкат Фазылджанович айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2021 йил 8 ноябрь куни соат 10:05 ларда 102-сонли рейс билан “Нью-Йорк-Тошкент” йўналиши орқали Америка давлатидан “Ислом Каримов номидаги” Тошкент халқаро аэропортининг “СIP” учиб келиш залига турмуш ўртоғи Умаргалиева Раъно Мовлуджановна билан бирга учиб келганлигини, Паспорт назоратидан ўтиб, соат 11:15ларда ўзига тегишли бўлган йўл сумкалари ҳамда бир дона қора рангли, НУ402485-рақамли чемоданини лентадан олиб, қўлидаги икки дона қўл сумка билан божхона назоратидан ўтиш мақсадида “яшил” йўлак орқали ҳаракатланганлигини, соат 11:20ларда божхона назорати зонасининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланиб, божхона назоратидан ўтиш жараёнида унга олдиндан таниш бўлмаган божхона ходими олдига келиб, ундан ўз фамилия исми шарифини сўраб, багажини рентген аппаратида божхона назоратидан ўтказиш учун қўйишини сўраганлигини, сўнг божхона ходими унга тегишли бўлган багаж ҳамда қўл сумкасини рентген аппаратидан ўтказиб, уларни божхона кўригидан ўтказиш учун кўрик стойкасига олиб ўтишини сўраганлигини, сўнгра кўрик стойкасида икки холис иштирокида унга тегишли бўлган қора рангдаги чемодан божхона кўригидан ўтказилганида унинг ичидаги, яшил рангли пакет ичидаги сувенирлар орасидан божхона назоратидан яширилган, оғзаки сўров пайтида айтилмаган бир дона ўқотар қурол ўқи (патрони) борлиги аниқланганлигини, алоҳида хонада божхона ходими томонидан холислар иштирокида ўтказилган шахсий кўрик жараёнида унинг ёнидан божхона назоратидан яширилган ашёлар аниқланмаганлигини, ушбу ўқотар қурол ўқи икки холис иштирокида кўздан кечирилганида унинг таг қисмида “05 67” ёзуви мавжудлиги маълум бўлганлигини, мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қилганлигини, ушбу унинг номига



расмийлаштирилган багаж ҳамда багаж ичидаги буюмлар унга тегишлилигини, мазкур багаж ичида ўқотар қурол ўқи борлигидан хабари йўқлигини, у 2012 йилда Америка давлатига оиласи билан ишлаш мақсадида кетаётганида ушбу ўқотар қурол ўқи (патрон), нарсалари орасида қўшилиб кетиб қолганлигини, у Америкага бориб чемодани ичидаги нарсаларини жойлаётган вақтида ушбу ўқотар қурол ўқи (патрон)ни кўрганлигини, у патрон ичидаги порохни чиқариб сувенир қилиб олиб қўймоқчи бўлганлигини, шу билан уйидаги шкафига (яшил рангли) пакетга “мензурка” идиши (стоматологик қутиси)га солиб жойлаб қўйганлигини, шундан сўнг ўқотар қурол ўқи (патрон) умуман эсидан чиқиб кетганлигини, у ушбу патронни Ўзбекистонда яшаган вақтида уйидаги чиқиндиқларни ташлаш учун уйи олдида жойлашган чиқиндиларни саралаш пункти (ахлатхона)га борган вақтида топиб олганлигини, шундан сўнг уйига келиб патронда акс эттирилган “05 67” ёзувни интернет тармоғига киритганлигини, ушбу патрон Москва шаҳрида 1967 йилда ишлаб чиқарилганлигини, ушбу патроннинг яроқли муддати 25 йиллигини билганлигини, ушбу патрон хавфсиз экан деб, келажакда калитга осиш учун “брилок” тариқасида олиб юриш мақсадида сақлаб қўйганлигини, у Ўзбекистон давлатига хар йили оиласи билан келиб турганлигини, лекин ушбу патрон билан Ўзбекистон давлатига келмаганлигини, у хар-ҳил давлатларга борганида жиянлари учун сувенир совғалар олганлигини, (музлатгич устига ёпиштириладиган магнитлар) сувенирларни ҳаммасини Ўзбекистонга борганда олиб кетиш учун шкафидаги “яшил рангли” пакетга йиғганлигини, Ўзбекистонга қайнонаси қазо қилиб қолганлиги туфайли шошилиш турмуш ўртоғи билан биргаликда келганлигини, ушбу “яшил рангли” пакет ичига йиғган сувенирларини шкафидан олиб, қора рангли чемоданига ўзи жойлаганлигини, пакет ичида ўқотар қурол ўқи (патрон) борлигидан хабари йўқлигини, чунки анча йил олдин у ушбу ўқотар қурол ўқини (патронни) пакетга жойлаганлигини, ҳозирги вақтда қилмишини англаб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Р.Умаргалиев ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби қуйидаги далиллар билан исботланади.

Суд мажлисида гувоҳ Ш.Нарзуллаев, 2021 йил 8 ноябрь куни соат 11:15ларда “Ислон Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти”нинг “СIP” учиб келиш залида ўз хизмат вазифаси, яъни: багажларнинг божхона назоратини амалга оширганлигини, 102-сонли рейс билан “Нью-Йорк-Тошкент” йўналиши орқали учиб келган йўловчиларнинг юklarини божхона кўригидан ўтказишни амалга ошираётган вақтида, багаж биркасига биноан Р.Умаргалиевга тегишли бўлган қора рангли чемодан ичида жойланган буюмлар унда шубҳа уйғотганлигини, сўнг у ушбу чемоданни кузатиб чиқиш мақсадида багаж



лентасига қўйганлигини, ўзи умумий “СIP” учиб келиш залининг багаж қабул қилиш бўлинмасига чиқиб, ушбу чемоданни ким олишини аниқлаш мақсадида кузатганлигини, соат 11:20ларда мазкур чемоданни унга олдиндан нотаниш бўлган фуқаро олиб “Яшил” йўлак орқали ҳаракатланганлигини, “Яшил” йўлакдан ўтиш жараёнида ундан ўз ҳужжатларини тақдим этишини сўраганлигини, йўловчи тақдим этилган ҳужжатларга биноан, у юқорида кўрсатилган 102-сонли “Нью-Йорк-Тошкент” рейс билан учиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Умаргалиев Рифкат Фазилджанович эканлигини билганлигини, фуқаро Р.Умаргалиевга тегишли багажларни рейнтген-аппаратидан ўтказиб, багажлари ва қўл сумкасини кўрик стойкасига олиб ўтишини сўраганлигини, сўнгра кўрик стойкасида икки холис иштирокида унга тегишли қора рангли чемодан божхона кўригидан ўтказилганида унинг ичидаги яшил рангли пакет ичидаги сувенирлар орасидан божхона назоратидан яширилган, оғзаки сўров вақтида айтилмаган бир дона ўқотар қурол ўқи (Патрон) борлиги аниқланганлигини, алоҳида хонада у томонидан ўтказилган шахсий кўрик жараёнида унинг ёнидан божхона назоратидан яширилган ашёлар аниқланмаганлигини, ушбу ўқотар қурол ўқи (Патрон) икки холислар иштирокида кўздан кечирилганида унинг таг қисмида “05 ҳамда 67” ёзуви мавжудлиги маълум бўлганлигини, ушбу ҳолат юзасидан йўловчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, Р.Умаргалиевга нисбатан “аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида”ги баённома ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, иш ҳужжатлари бўйича йўловчидан ашёвий далил тариқасида олинган бир дона ўқотар қурол ўқи (Патрон) холислар иштирокида алоҳида конвертга солиниб, муҳрланиб имзоланганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ А.Хусанбаев, 2021 йил 8 ноябрь куни соат 11:20ларда “Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти”нинг “СIP” учиб келиш залида ўз хизмат вазифаларини бажараётганлигини, уни божхона ходими аввалдан нотаниш бўлган ҳужжатларга биноан 102-сонли рейс билан “Нью-Йорк-Тошкент” йўналиши орқали учиб келган йўловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси Умаргалиев Рифкат Фазилджановичга тегишли бўлган қўл ва йўл юкларини ҳамда ўзини шахсий кўрикдан ўтказишда холис сифатида иштирок этиши учун таклиф қилганлигини, вақти бўлгани учун у рози бўлганлигини, холислар иштирокида фуқаро Р.Умаргалиевни божхона ходими оғзаки савол-жавобдан ўтказиб, унинг ёнида божхона назоратидан яширилган буюмлари бор ёки йўқлиги тўғрисида сўраганлигини, фуқаро Р.Умаргалиев божхона назоратидан яширилган буюмлари йўқлигини маълум қилганлигини, божхона ходими Р.Умаргалиевга тегишли барча қўл ва йўл юкларини белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказганлигини, йўловчи Р.Умаргалиевга тегишли барча юкларини божхона ходими божхона кўригидан ўтказиш



жараёнида унга тегишли НУ402485-рақамли бирка билан маркаланган қора рангли чемодан божхона кўригидан ўтказилганида, унинг ичидаги яшил рангли пакет ичидаги сувенирлар орасида божхона назоратидан яширилган, оғзаки сўров вақтида айтилмаган жами бир дона ўқотар қурол ўқи (Патрон) борлиги аниқланганлигини, алоҳида хонада божхона ходими томонидан ўтказилган шахсий кўрик жараёнида Р.Умаргалиевниг ёнидан божхона назоратидан яширилган ашёлар аниқланмаганлигини, ушбу бир дона ўқотар қурол ўқи (Патрон) у ва яна бир ҳолис иштирокида кўздан кечирилганида, унинг таг қисмида “05 ҳамда 67” ёзуви мавжудлиги маълум бўлганлигини, аниқланган ҳолат юзасидан йўловчи Р.Умаргалиев 2012 йилда Америка давлатига оиласи билан ишлаш мақсадида кетаётганларида ушбу ўқотар қурол ўқи (Патрон) нарсалари орасида қўшилиб кетиб қолганлигини, шунингдек йўловчи Р.Умаргалиев Америкага бориб чемодани ичидаги нарсаларини жойлаётган вақтида ушбу ўқотар қурол ўқи (Патрон)ни кўрганлигини ва у ўқотар қурол ўқи (Патрон) ичидаги порохни чиқариб, сувенир қилиб олиб қўймоқчи эканлигини, шу билан уйидаги шкафига яшил рангли пакетга “Мензурка” идиши (стаматологик қути)га солиб жойлаб қуйганлигини, шундан сўнг ўқотар қурол ўқи (Патрон) унинг умуман эсидан чиқиб кетганлигини маълум қилганлигини, Р.Умаргалиев турли сувенирларни йиғиб қариндошларига совға қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасига келишда ушбу яшил рангли пакетни олганлигини, унинг ичидаги ўқотар қурол ўқи (Патрон) борлиги эсидан чиққанлиги сабабли билмаган ҳолда уни Ўзбекистон Республикасига олиб келганлигини маълум қилганлигини, Р.Умаргалиев ўзи билан олиб келган барча багажларини ўзига тегишли эканлигини ва барча юкларни чемоданларига ўзи жойлаштирганлигини маълум қилганлигини, йўловчи Р.Умаргалиев ушбу бир дона ўқотар қурол ўқи (Патрон) ўзига тегишли эканлигини билдирганлигини, йўловчи Р.Умаргалиев ўз айбини тан олиб қилган ишидан пушаймон бўлганлигини, Р.Умаргалиев ўқотар қуроллар ва уларнинг ўқ дориларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш мумкин эмаслигини билишини маълум қилганлигини, ўзининг эътиборсизлиги сабабли, ушбу ҳолат рўй берганлигини билдирганлигини, ушбу ҳолат юзасидан йўловчи Р.Умаргалиевга ҳуқуқ ва мажбуриятлари божхона ходими томонидан тушунтирилиб унга нисбатан “аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида”ги баённома ва керакли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, ушбу иш ҳужжатлари бўйича йўловчидан ашёвий далил тариқасида олинган бир дона таг қисмида “0567” ёзувли ўқотар қурол ўқи (Патрон) у ва яна бир нафар ҳолис иштирокида алоҳида минзурка рангсиз пластик (контейнер) ичига солинган ҳолатда конвертга солиниб, муҳрланиб имзоланганлигини, йўловчи Р.Умаргалиев ўз айбини тан олиб, божхона ходимларига ҳеч қандай эътироз билдирмаганлигини, Р.Умаргалиевга таржимон ва адвокатнинг юридик хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи



тушунтирилганлигини, Р.Умаргалиев расмийлаштирув жараёнида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш истагини билдирганлигини ва ушбу жараён видео тасвирга олинганлигини, расмийлаштирув жараёнида “Poxtaxt” адвокатлар ҳайъати адвокати Норматов Илхом Садуллаевич адвокат сифатида иштирок этганлигини, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Р.Умаргалиевга тегишли бўлган барча совға ва қолган буюмлари холислар иштирокида тўлиқ қайтариб берилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ И.Нишанбаев суд мажлисида айнан гувоҳ А.Хусанбаевнинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатув берди.

Судланувчи Р.Умаргалиевнинг айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан яъни, билдирги, тушунтириш хатлари, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото жадвал, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг 08.11.2021 йилдаги №1240-сонли суд-баллистика экспертиза хулосаси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг 16.11.2021 йилдаги №1286-сонли суд-дактилоскопия экспертиза хулосаси ва унга илова қилинган фото жадвал ҳамда ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор ва иш бўйича тўпланган бошқа асосли далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи Р.Умаргалиевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддасининг 1-қисми билан “05 67” ёзувли ўқотар қурол патрони калибри 7,62 мм бўлган воситасини божхона назоратидан яшириб, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказганлиги билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ушбу Кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳқумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

Жиноят кодексининг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.



Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ;

Мазкур қарорнинг 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд, юқоридаги қонун мазмуни ва Пленум қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, қонуннинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Р.Умарғалиевга нисбатан нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбини инкор этмаган ҳолда айбига иқдорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, муқаддам судланмаганлигини, шахсини, оилавий аҳволини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ жарима жазоси тайинлашни, жаримани давлат даромадига ундиришни лозим топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортда ХТББ навбатчилик қисми қурол хонасига топширилган бир дона "05 67" ёзувли, калибри 7,62 мм бўлган ўқотар қурол патрони тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд ҳайъати

Х У К М Қ И Л Д И:

_____) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



_____)га нисбатан ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 баравари миқдорида, яъни $(80 \times 270.000) = 21.600.000$ (йигирма бир миллион олти юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг _____ нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилҳат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортда ХТББ навбатчилик қисми қурол хонасига топширилган бир дона “05 67” ёзувли, калибри 7,62 мм бўлган ўқотар қурол патрони йўқ қилинсин;

-2 (икки) дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи

имзо

